



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар ва (ҳар бир) жон эрта (Қиёмат Куни) учун нимани (яъни қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан кўрқинглар! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳашр: 18).

«Аллоҳ фақат тақводорлардангина қабул қилур». (Моида: 27).

«Ким Аллоҳдан кўрқса У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур» (Талоқ: 2, 3).

«Биз сизлардан илгари Китоб берилган зотларга ҳам, сизларга ҳам Аллоҳдан кўрқинглар, деб амр қилдик» (Нисо: 131).

«Эй мўминлар, агар Аллоҳдан кўрқсангизлар, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур» (Анфол: 29).

«(Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган тақволи



Ислом Нури

кишилар учун раҳбар-йўлбошчидир» (Бақара: 2,3).

«У - Биз бандаларимиздан тақводор бўлган кишиларга мерос қилиб берадиган жаннатдир» (Марям: 63).

«(У кунда) жаннат тақводор бўлган зотларга яқин қилинди» (Шуъаро: 90).

Қўриқилган ҳаққонинг фазли ва тақволи бўлишга буйруқлар қилиш ва қайтариқларидан тийилиш орқали ўзингиз билан Аллоҳнинг азоби ўртасига тўсиқ қўйишингиздир. У дунё ва охиратнинг барча яхшиликларини ўзида жамловчидир. Аллоҳ таоло аввалгилар-у охиргиларни унга буюрган ва амалларни фақат тақводорлардан қабул қилишини айтган.

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қаерда бўлмагин, Аллоҳдан қўрқ! Ёмонлик орқасидан яхшилик қил, у ўша (ёмонлик)ни ўчириб юборади, одамларга гўзал хулқ билан муомала қил!» (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Тақво – Аллоҳнинг буйруқларини қилиш ва қайтариқларидан тийилиш орқали ўзингиз билан Аллоҳнинг азоби ўртасига тўсиқ қўйишингиздир. У дунё ва охиратнинг барча яхшиликларини ўзида жамловчидир. Аллоҳ таоло аввалгилар-у охиргиларни унга буюрган ва амалларни фақат тақводорлардан қабул қилишини айтган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Тақвонинг фазли, у барча яхшиликни ўзида жамлаган экани;
2. У кулфатларнинг ариши ва ризқнинг кенгайишига сабаб бўлиши;
3. У жаннатга эришишга сабаб экани.